


Jahon ADABIYOTI

Адабий-бадний, ижтимоий-публицистик журнал



Июль - 2007

«Минг бир кеча» жаҳон кезади

Шарқ халқлари ижодининг ажойиб дурдоналари орасида «Минг бир кеча» эртаклари нодир ёдгорликлардан бўлиб, асрлар давомида китобхонлар қалбидан чуқур жой олиб келди. Бу ҳикоятлар ажойиб латофати, содда тили билан ўқувчини ширин ўй-хаёлларга тортади, муболағали сўз ўйинлари билан Шарқ халқлари - араблар, форслар, туркийлар, ҳиндларнинг беқиёс ижодий кучини намойиш этади. Аммо «Минг бир кеча»нинг яратилишида Туркистон халқларининг ҳам ҳиссаси бор. Асар воқеаларининг Самарқандда бошланиши ҳам бундан далолатдир. Асарнинг кўп эртақ ва қиссалари ўзбек халқи орасида машҳур. Бу эртақлар ва унлаги воқеа-ҳодисалар узоқ ўтмишда бунёдга келган бўлиб, унинг ранг-баранг нозик ишлари эса, бутун ер юзини чулғаб, ўзининг ҳайрон қолдирадиган етуқлиги билан қамраб олган.

Халқ тилига яқин бўлган бу асар бир неча юз йиллардан бери жаҳоннинг турли тилларига таржима қилинган ва ҳануз таржима қилиниб қелинаётир. Жумладан, «Минг бир кеча» асари Европада биринчи бор Антуан Галланнинг (1646-1715) французча таржимаси асосида танилди. 1704-17 йиллар орасида бу асар 12 жилда босилиб чиқди. Ундан ташқари, 1823 йилда Зинстернинг уни немисчага ўтирди. 1826 йилда Ламб инглизчага, 1828 йилда Фон Ҳаммер Требютсен иккинчи марта французчага ўтирган. Асар дат тилига ҳам Расмуссен томонидан таржима қилинган. «Минг бир кеча»нинг арабча матни (I-1835 й., II-1863 й., III-1866-67 й.) Булоқ (Қоҳирага яқин жой) ва Байрутда (1880-90-йилларда) чоп этилди. 1839-1842 йилларда инглиз олими Магнатен арабча матни Калькуттада бостирди, ўзининг инглизча қилган таржимасини эса, 1882-84 йилда 9 жил қилиб чоп этди. 1885 йили бу таржима 10 жилда босилиб чиқди. 1886-88 йилларда унга яна 6 жил илова қилинди. Шу тариқа, «Минг бир кеча»га қизиқиш орта бориб, 1895-1900 йилларда Макс Ҳеннинг Булоқ нашридан 24 жиллик немисча таржимаси чиқарилди. 1899 йили Мадрус ўша Булоқ нашридан учинчи марта французчага ўтирди, бунга асарнинг бошқа арабча нусхаларидан қўшилган қиссалар киритилиши билан таржима 16 жилда етди. Ундан ташқари, Викенти Блазко Йбаниз испанчада, семитолог ва фольклорчи Э.Литтман немис тилида 6 жилда нашр этди. (Лейпциг, 1921-28). 1889-90 йиллар ичида Галлан таржимасидан Юлий Доппельмайер русчага қилган таржимаси босилиб чиқди. Кейин В.Лен қилган таржимадан (1839-41) Л.Шелгунова русчага қисқартириб таржима қилди (1894). 1929-38 йиллар орасида шарқшунос Михаил Салье (1889-1916) асарни тўлиқ ҳолда арабчадан русчага ўтирди.

М.Герхардт «Хикоя қилиш санъати» номли тадқиқотида «Минг бир кеча»нинг Европа тилларига таржималарини танқидий кўздан кечириб, ҳар бирага баҳо беради, бадиий қиммат ва савия, мақсад ва натижаларни аниқлайди. И.Ю.Крачковский М.Салье таржимасига юқори баҳо бериб, Эструпнинг дат тилига қилган таржимасини бирмунча эркин усулда амалга оширилган, деб фикр билдиради.

Шу тариқа, «Минг бир кеча» таржимаси атрофида танқидий фикрлар ҳам тўшганлиги

Юқорида қайд этганимиздек, бу асар юртимизда ҳам шухрат қозониб келган. Араб ва форс тилини билган зиёли ўзбеклар уни асл нусхаларида ўқиганлар.

Асарнинг татай сюжетлари ўзбек алиблари ижодига ҳам таъсир этиб келган. Асар турк, татар, ўзбек тилларига таржима қилинган.

Асарнинг бир неча тилдаги нусхалари Ўзбекистоннинг қўлэзмалар хазиналарида сақланаётир. Жумладан, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон ФА Шарқишунослик институти нашр қўлэзмалар хазинасида ҳам мазкур китобнинг бир неча нусхалари мавжуд. Чунончи, 4 жилдан иборат, Мисрда нашр этилган арабча, 5 жилдан иборат 1889 йилда Байрулда нашр этилган арабча, 1891 ва 1914 йилда нашр этилган форсча, 2 жилдан иборат бўлган Сирожиуддин Маҳдум Сидқий Хондайлиқий форсчадан ўтирган ўзбекча, 1912 йилда Тошкентда чоп этилган ўзбекча нусхалари, шунингдек, 1871 йилда Истамбулда нашр этилган туркча, 1897 ва 1903-04 йилларда Қозонда нашр этилган татарча нусхалари сақланиб келинмоқда.

Абу Райҳон Беруний номидаги ЎЗР ФА Шарқишунослик институти қўлэзма асарлар хазинасида Л №75 ва Л №77 рақамларда сақланаётган китоблар «Минг бир кеча» асарининг ўзбекча таржимаси бўлиб, уни 1911-12 йилларда Саййид Аҳрор Маҳдум (Аҳрор бин Абдуллох) амалга оширган. Бу иккала китоб ҳам асарнинг биринчи жилди бўлиб, китобнинг охириги бетида эълон тариқасида яқин кунларда яна 2-жилдан босмалдан чиқарилиши айтилган бўлса ҳам, мазкур 2-жилдан фойдаланиш мумкин эмас.

«Минг бир кеча»нинг дастлабки ўзбекча таржималари ҳақида Жуманиёз Шариповнинг «Ўзбекистонда таржима тарихидан» номи билан 1965 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган китобида маълумот берилган. Унда Сидқий Хондайлиқий ва Аҳрор Маҳдум «Минг бир кеча» таржимони сифатида тилга олиниб, таржималарнинг яратилиш даври, ноширлари ва сақланиб келинаётган тошбосма нусхалари ҳақида таъбир берилган.

Аммо Ж. Шарипов таъкидлаган маълумотларда ноаниқликлар ҳам бор. Олим китобнинг 140-бетини «Бундан ярим аср илгари Сидқий Хондайлиқий таржима қилган «Алф бейт ва лойла» форс тилидан қисқартирилиб ағдарилган эди. Кейин бу асар Аҳрор Маҳдум томонидан араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинган», деб қайд қилган.

Бунда асосан аниқ фикр бор. Биринчиси шуки, Сидқий Хондайлиқий «Минг бир кеча» асарини қисқартирган эмас, балки тўлиқ таржима қилган. Иккинчиси шуки, Аҳрор Маҳдум арабчадан эмас, худди Сидқий Хондайлиқий каби форсийдан ўтказган.

Шу ерда айтиш керакки, Ж. Шарипов ўз китобининг 174-бетиде бошқачароқ фикрни баён қилган: «Сидқий Хондайлиқий «Минг бир кеча»ни форсчадан қисқартириб ўзбекча қилгани учун Аҳрор Маҳдум уни арабчадан қайта таржима қилган деб тўғри ҳисоб қилмас керак».

Аҳрор Маҳдум таржимасининг биринчи жилди иккинчи бетида қуйидагиларни ўқитмоқчи: «...ва (хаттоки) бу нусхаи латиф Туркистон вилоятига иштихор тошди. Азимо таржима андоқке муқаддиман маърузлари бўлди ани мутолаасини бениҳти ва бениҳти эрдилар, чунки ҳануз туркча таржима бўлмагон эрди. «Хайру-н-носидин яфайу-н-нос (Кишиларнинг яхшиси одамларга наф келтирадиганлар)» мазмунни узра хайру-гузжор неку кирдор Мулло Муҳаммад Зуфар баъдан Шайх Муҳаммад Шукруллох Саййиднинг хусни таважжуҳ ва саййи ишқисини билан мазкур китоб форсий жомаси ўрнига туркий хилъатини кишуо маълумотлар билан қўшилди. Туркистон гулистонида жилвагар бўлди. Эмдики, бу нусха ҳам арзий ва форсий биродарларидек, мақбули хоссу авом бўлуд мазкур соҳиб ишқисини билан мутаржимини фақирнинг номларини ила йавмил қийама тирик туттай ва фикрлар ат-тавфиқ...»

Юқоридагидек қарашлар маълумотларига қараганда, «Минг бир кеча» аввал арабчадан форсчага, сўнгра форсчадан ўзбекчага таржима қилинган. Форсий нусха таржимасини Абдулқадир Табризий бўлиб, бу китоб 1891 йилда Эронда чоп этилган. Ношири Абдулқадир ва Қози Раҳматуллохдир. Худди шу нусхадан эса, Саййид Аҳрор Маҳдум таржима қилган. Бу ўзбекча нусха ношири Зуфар Шуккур Муҳаммад ўзини бўлиб, китоби Мирзо Аҳмад қори. Китоб Тошкентда нашр этилган.

Мана шунинг билан маълумотлар бўлишига қарамай, Аҳрор Маҳдум «Минг бир кеча»ни араб тилидан таржима қилган, деган фикр илм аҳли орасида мавжуд. Чунончи, «Ўзбекистонда таржима тарихидан» олим Ш. Шомухамедов ҳам «Халқ ижодининг ноёб дурдонаси» китобида «Минг бир кеча»нинг таржималари ҳақида маълумот

бериб, дейди: "Иккинчи Аҳрор Маҳдум томонидан арабчадан таржима қилинган нусхаси эди". Афтидан, Ш.Шомухамедовни Ж.Шарипов китобидаги маълумот чалгитган.

Китобнинг охири бетида таржима 1911-12 йилларда амалга оширилгани қайд этилган бўлиб, 500 кечани ташкил этади. Бу китобдан ташқари яна 1915 йилда Тошкентда нашр этилган Саййид Аҳрор Маҳдум қаламига мансуб "Шариат ўлчақлари" деб номланган китоб ҳам мавжуд. Унда ҳадиси шарифдан айримлари араб тилида келтирилиб, муаллиф томонидан туркий тилда шарҳланган.

Ж.Шариповнинг китобида келтирилишича, Саййид Аҳрор Маҳдумнинг "Минг бир кеча"дан ташқари яна бир қанча таржималари бор. Жумладан, у "Нодир-ул-меърож" номли катта ҳажмли китобни ўзбекчалаштирган ва бу асар "Ғуломия" матбаасида 1910 йилда босилиб чиққан.

Бундан қўрииб турибдики, ҳақиқатдан ҳам Саййид Аҳрор Маҳдум нафақат ўзбек тилини, балки араб, форс ва усмонли турк тилларини ҳам мукаммал билган, ўз даврининг кўзга қўринган ўқимчиши, зукко кишиши бўлган.

Энди "Минг бир кеча"нинг ўзбек тилидаги яна бир таржимони Сидқий Хондайлиқий ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтадиган бўлсак, шунини таъкидлаш жоизки. Сидқий Хондайлиқий таниқли шоир, ҳатто ва маърифат-парвар инсон бўлгани учун у ҳақда етарлича маълумотлар бор. Бир қанча илмий-ташқиқот ишларида бу кишининг ҳаёт йўли ва ижоди ўрганилган. Жумладан, унинг таржимонлиги на таржима қилган асарлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Аммо ҳанузгача Сидқий Хондайлиқийнинг таржималари, жумладан, "Минг бир кеча" таржимаси махсус ўрганилган эмас. 1998 йилда унинг асарларидан намуналар тарзида "Танланган асарлар"и чоп этилди. 1984 йилда шоирнинг "Навбахор" номли шеърлар китоби чиққан эди.

Ж.Шариповнинг кўрсатишича, Хондайлиқий "Минг бир кеча"дан ташқари "Қози ва ўғри", "Ҳикояи нафос", "Ҳикояи латифа", "Баҳром ва Гуландом", "Мирза Ҳамдам қиссаси" номли асарларни форс тилидан ағдарган. Шайх Саъдийнинг "Бўстон" асарида ажратиб олинган бобларни шеърий таржима қилиб, "Раҳимо таржимои Каримо" номи билан нашр эттирган. (Кейинги таржималардан намуна Сидқийнинг 1998 йилги "Танланган асарлари"га киритилган.)

Маълумки, Сидқий Хондайлиқий "Минг бир кеча" асари таржимасини 1912-13 йилларда амалга оширган. Асарнинг биринчи жилди 356 бетдан иборат бўлиб, 1912 йилда Тошкент шаҳридаги "Осиё" ижодиёти босмахонасида чоп этилган. Иккинчи жилди эса 346 бетдан иборат бўлиб, 1913 йилда эски Тошкентнинг Ғулом Ҳасан Орифзонов босмахонасида чоп этилган. Унда минг бир кечадан иборат эртакларнинг барчаси жамланган. Кеча ва ҳикояларнинг бошланиши, ҳикоялар тафсилоти Саййид Аҳрор Маҳдум китоби каби қора ҳарфда берилган. Топбосма нусхалар Л.№10551, Л.№11820, Л.№11821, Л.№20924 рақамлари остида ЎзРФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Топбосма нусха ношири Мулло Мирзо Аҳмад бин Мирзо Карим соҳибдир.

Сидқий Хондайлиқий ва Саййид Аҳрор Маҳдум таржималарини қиёсланимизда, қуйидагиларни кузатишимиз мумкин. Сидқий Хондайлиқий ва Саййид Аҳрор Маҳдум замондош бўлганликлари, орадаги 1-2 йилни эътиборга олмаганда асар таржимаси даврининг ҳам биринчи, шу билан бирга, асар бир форсий манбадан таржима бўлганлиги сабабли ҳам бу иккала таржиманинг тил услуби деярли бир хиллигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга Сидқий Хондайлиқий ўз даврининг етук шоири бўлиб танилгани ва Саййид Аҳрор Маҳдумнинг ҳам шоиртабиат инсон бўлганлиги ва ҳоҳида шеърлар ҳам ёзиб турганлиги туфайли асардаги шеърий матнларни халқ тилига яқин тарзда таржима қилганликларига гувоҳи бўлиш мумкин.

Сидқий Хондайлиқий ҳам Аҳрор Маҳдум каби ўз таржимасига муқаддима ёзган. Унда "Минг бир кеча" асари, унинг қиммати ва аҳамияти, хусусиятлари, асарнинг форсий таржимаси, таржиманинг даври, таржимонлар ҳақида, шунингдек, ўзини бу ишта илҳомлантирган, мутасаддиқ қилиб, асар нашрини ташкил этган кишилар ҳақида фикрлар баён этилган.

Сидқий Хондайлиқий "Минг бир кеча"ни «фақат афсона ва ривоят китоби эмас, балки ҳикмат ва ибрат китобидир, тўғрироғи, афсона расми билан насихат сўзламоқ ва ҳикмат ўргатмоқликдур», деб баҳолайди. Шунинг учун ҳам, дейди

Саййид Аҳрор Маҳдум муқаддимасидаги маълумотлар шуни кўрсатадики: 1) ҳар икки таржимонимиз ҳам бир манба-Абдуллатиф ат-Табризий ва Мирзо Сурушнинг форсий таржимасидан фойдаланганлар; 2) ҳар икки таржима қарийб бир вақтда амалга оширилган, бир жойда — Тошкентда босилган, аммо улар бир-бирларининг ишидан беҳабардай туюлади, чунки ҳеч ерда бунга ишора ёки ахборот бериш, муносабат бишириш йўқ.

"Ойна" журнали 1914 йилдаги 27-сонда Силқий Хондайлиқий таржима-сининг иккинчи наشري ҳақида "янги таржима" рукни остида хабар берилган. Аммо Аҳрор Маҳдум таржимаси ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Афтидан, ҳар икки таржимон деярли барабар иш бошлаб, таржималарни наشرга берганлар, лекин Саййид Аҳрор Маҳдум таржимаси тугалланмай қолган-лиги учун, нисбатан тўлиқ бўлган Силқий Хондайлиқий таржимаси кўпроқ тарқалган.

Аммо бу таржималар XX аср бошларида катта аҳамиятга молик маданий-маънавий ҳодиса бўлса ҳам, бора-бора таржималар тилининг эскирганлиги сезили бошлади. Айниқса, аср ўрталарига келиб, янги услубдаги ўзбек адабий тили шаклландики, илгариги жимжимадорлик, оддий китобхон тушунайидиган услубият орадан кўтарилди. Тил халқ оммаси фаҳму идрокига яқинлаштирилди, бойиди ва такомиллашди.

Мана шу шароитда "Минг бир кеча"нинг янги таржимасини яратишга эҳтиж туғилган эди. Бу ишни таниқли арабшунос олимларимиз Убайдулла Каримов, Абдуфаттоҳ Расулов, Солиҳ Муталибов, Юнусхон Ҳакимжонов ва Абдусодиқ Ирисовлар амалга оширдилар. Асардаги шеърлар эса Собир Абдулла ва Шоислом Шомухамедовлар томонидан таржима қилинган. Асар бевосита араб тилидан, Мисрдаги эътиборли "Булюк" нашриётида босилган нусхасидан таржима қилинди ва 1959-1966 йиллар давомида Ўзбекистон бадий адабиёт ва санъат нашриёти томонидан 8 жилд ҳажмида босиб чиқарилди. Бу мазкур таржимоларнинг катта ижодий меҳнати мевасидир. Асар гарчи турли кишилар томонидан ўпирилган бўлса-да, бироқ иложи борича ягона услубга келтирилган, китобхон бир хил ҳикоя маромини ҳис қилиб туради.

1986 йилда шу саккиз жилддан олинган бир жилдлик сайланма тўплам F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди.

Шу ўринда "Алф лайла ва лайла" асари таржимасининг ўзига хос талаблари, қийинчилиги борлигини қайд этиш зарур. Айтиш мумкинки, бу қиссаларнинг ҳар бирида алоҳида ёндашувни тақозо этадиган жиҳатлар бор. Чунки ҳар бир қисса ва эртак тили қандайдир ўзига хосликка эга. Ва аини вақтда бутун асарнинг яхлит услуби ҳам мавжуд.

Таржима давр адабий диди, адабий тили хусусиятларини ҳам акс эттиради ва шу асосда аслият замонлар ўтиб, янгидан "кашф этиб" борилаверади.

"Бироқ шуниси борки, ўзбек тилига қилинган таржималарнинг узоқ Европа тилларига бўлган таржималардан фарқи бор. Албатта, бадий таржима санъати, таржима усул ва услубияти нуқтаи назардан олиб қараганда, умумий мезонлар ҳам йўқ эмас. Буни назардан соқит қилиб бўлмайди. Аммо ўзбек адабиёти Шарқ адабиётининг бир қисми. "Минг бир кеча" тилидаги асарлар, қиссахонлик бизда узоқ тарихга эга. Адабий-услубий жиҳат, аруз шеърлиги, бадий санъатлар, тасвирий воситалар нуқтаи назардан ўзбек мумтоз адабиёти араб ва форс адабиётига яқин. Кўпгина умумий типологик томонлар бор ва бу таржимала ўз таъсирини қолдиради," — деб тўғри қайд этади адабиётшунос Н.Комитов.

Мазкур таржималарнинг тили, услуби, ҳар бирининг қиммати ва аҳамияти ҳақида батафсил тўхталыш мумкин. Шуниси аниқки, "Минг бир кеча" таржималари, шу каби бошқа ўлмас бадий обидалар таржимаси ўзбек халқи маънавий-маданий тарихининг ажралмас бойлиги ҳисобланади. Уларда бадий дид ва тил ривожини ҳам кузатиш мумкин. Шарқ дурдона асарлари таржимаси орқали халқимиз ўз ўтмишини, маданий мероси билан янада кенгроқ танишини имкониятига эга бўлади.

Гулнора ОСТОНОВА,
филология фанлари номзоди,
ТошДШИ докторанти